

Роғиб (тахаллуси; асли исм-шарифи Мухаммад Рахим Шоқир ўғли) (1865 — Хоразм вилояти Урганч тумани Коровул кишлоги — 1935) — шоир. Навоий, Хофиз, Мунис, Огахий, Комил каби шоирлар ижодини ўрганган, газалларига мухаммаслар боғлаган. Шеърятдаги истеъдодини кўрган Феруз уни саройга таклиф қилган. У ерда Баёний, Аваз, Чоқар ва бошқа шоирлар билан танишган, ижодий мулоқотда бўлган. Саройдаги мушоираларда катнашган. Ферузнинг амри билан шеърларини тўплаб девон тузган, «Девони Роғиб» номида нашр этилган. Феруз вафот этгач (1910), саройдан ўз кишлогига қайтиб, дехкончилик билан шугулланган. Хоразм инкилобидан сўнг маориф муассасаларида ишлаган.

Роғиб лирик ва хажвий шеърлар ёзган. Лирикасида ишк-мухаббат, дўстлик, маърифатпарварлик гояларини тарғиб қилган, она Ватан табиати гўзалликларини мадх этган («Танбур», «Бог», «Хивак», «Ўлсун» ва б.). Ўзи тузган девони (1899, 1221 газал, 33 мухаммас, 6 таржеъбанд, 36 рубоий, 12 китъа ва бир неча маснавий, мустазоддан иборат) ҳамда турли баёзларга кирган шеърлари етиб келган. Девоннинг кўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида (инв.№6681) ва Хива тарих музейи (инв. №2038)да сақланади.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Ваҳким, яна дарду бало бошимга тугён қилдило,
Жисмимга тиги гам чекиб мажруху урён қилдило.

Борму кутулмок, дўстлар, бу дарди мухлик илкидин,
Ман хастадек олам элин чашмини гирён қилдило.

Гулгун бадан, гунча дахан, сарви сихикадлар танин
Гам ханжари бирла тилиб бошдин-оёк кон қилдило.

Кайси табиб ёки қилур бу дарди мухлик чорасин,
Деб барча ранжидин даме фарёду афгон қилдило.

Бу дард жаврига нечук токат қилур дилдорлар,
Ушшок жисмидек борин жисмини бежон қилдйло.

Гурбат чўлида саф чекиб бошимга бу дарду бало,
Жисмимнинг мулкин, войким, бир дамда вайрон қилдило.

Қилмай тараххум холига бул Роғибни беморининг,
Гам оташи ичра ёқиб багрини бирён қилдило.

Дўстлар, хар дам етар оламда минг офат манга,

Йўкдурур дарду аламдин лахзае рохат манга.

Кимга асрори нихонимни десам чора тилаб,
Еткурур холим кўриб юз кайгу, юз захмат манга.

Истасам ахбоб деб кимга гамимни чорасин,
Килгуси кину адоват расмини одат манга.

Бир нафас шодона сўрсам мақсадим якронини,
Нахли пайконин отар хосиди бадтийнат манга.

Гохи хижрон ранжини чеккум, гахи дарду бало,
То кўриб Фарходу Мажнун туздилар улфат манга.

Юз бало бошимга хар дам еткуриб чархи даний,
Бордурур алкисса юз минг ранж ила кулфат манга.

Дарду гам чеккач фироки ичра ул дилдорнинг,
Кўрган олам ахли айтур рахм этиб рахмат манга.

Айланиб даврон ракиби рўсиёнинг комига,
Бергуси золи фалак захробаи хижлат манга.

Бўлди жисмим ханжари фуркат била пайкар яра,
Лек келтурмас нигорим мархами шафкат менга.

Колмишам шоми гам ичра бўлгуси комим раво,
Токи очса оразини ул париталъат манга.

Роғибо, фахр этма шоирман дебон мундок нега,
Бордурур шох лутфи бўлса юз туман рағбат манга.

* * *

Сайр этинг ахбоб ўзни зийнатафзо килди бог,
Хар сари анвои неъматни мухайё килди бог.

Хажрида нолон эди шод айламакка кумрини,
Сарвларни хар тараф каддин дилоро килди бог.

Бодайи ишрат ичарга махваши гулчехралар,
Базм этарга сахни гулзорин мусаффо килди бог.

Хар нафас мавфур айлаб меваи жондин лазиз,
Рохатафзоликда жаннат бирла даъво килди бог.

Зийнат учун кийгузиб хар дам чаманга булажаб,
Турфа рангин хилъатин, айланг"томошо, килди бог.

Сахни гулшанга бугун рохат насимин эстуриб
Ошики содик дили янглиг мубарро килди бог.

Жилвагар айлаб чаман шохидларини Роғибо,
Гул юзига сунбули зулфин мутарро килди бог.

* * *

Бир тун висолин айладим ул шохи хўбондин тамаъ
Ким, айлагандек бир гадо оламда султондин тамаъ.

Гўёки килмиш киш ўтиб бўлгонда айёми бахор,
Гуллар висолин айлагай булбул гулистондин тамаъ.

Лаб ташнаман Мажнун каби дашти фирокида мудом.
Жоми висолини килиб Лайлийи даврондин тамаъ.

Бир жилва айлаб ул пари олди карору токатим,
Фахму хирадни айламанг ман зори хайрондин тамаъ.

Совурди сабрим хирманин дарду балонинг сарсари,
Дилжамликни ким килур холи паришондин тамаъ.

Эл таъбига макбул эса назминг не гам Роғиб санга,
Сўз гавхарининг конидур сен килма хокондин тамаъ.

* * *

Мумкин эрмас бу жахон мулкида бўлмок шодмон,
Ходисоти дахри дундин кимса бўлди шодмон.

Кимни кўрсам чарх зулмидин эрур зору хазин,
Хасрати бирла манингдек жисми бўлгон нотавон.

Шодмонлиг рахшини хар лахзаи юрсам миниб,
Юз туман гам еткурур, эй дўстлар, борсам каён.

Откусидур борхо мехнат тошини бошима,
Билмадим бўлгум қачон бу чарх жавридин омон.

Кўз тутарман айлабон умид холимни кўриб,
Айласам ахбоблар мехру мухаббатлар аён.

Донаи рохат сочиб умид этарларким самар,
Откусидур мехнату андухини ахли жахон.

Хотирим бўлса паришон йўк ажаб Роғиб киби,
Солди савдо бошима юз навъ чархи кажравон.

* * *

Найладим, эй чарх золиким, мани зор айладинг,
Хар дами юз дарду гамларга сазовор айладинг.

Борхо шоми фирок ичра ёритмок кўзларинг,
Васли айёмини шомин сен менга тор айладииг.

Шоми фуркатда чекиб мехнат, висолин кўрмайин,
Гулузоримни ракиб, шумларга сен ёр айладинг.

Лахзае базми гуландомимга йўл топсам агар,
Юз хаводис бошима хар ёндин изхор айладинг.

Боги максудим гулистони гулини очмайин,
Булбули жонимни юз минг гамга дучор айладиш

Бир даме шод этмайин Роғиб киби олам аро,
Найладим, эй чарх золиким, мани зор айладинг.

* * *

Етар мехнат бошимга хар дамо гардуни гардондин,
Нетай, айрилмади бир дам михан ман зори хайрондин.

Кадам хар сори кўйсам ёгди мехнат санги бошимга,
Гахи адно элидин, гох-гох дўстону ёрондин.

Жахон айвони ичра хуррам ўлган бир киши борму,
Жафоу жавр зулмин кўрмаган бу чархи кажрондин.

Ичарман захри гам ул гулузорим хажри даштида,
Хабар борму, сабб, дегил манга ул номусулмондин.

Бўлиб хайрон ул ой куйида юрсам зор кўксимга,
Етар санги маломат хар даме агёри нодондин.

Тушиб бошимга ишки шоми гамда бир неча йиллар,
Кўзим равшан эмасдур партави ул мохи тобондин.

Биёбони балода колмишам ман хаста Роғибдек,
Келур ранжу алам касдим учун ахбоб хар ёндин.

* * *

Партав эрмас ул куёшнинг орази анворича,
Хам эмас жаннат гули ул ой юзи гулзорича.

Зоҳидо, хулди барин васфин дема ман зорга,
Хуру гилмонин юзи йўк дилбарим рухсорича.

Шарбати лаъли эрур ишк ахлига рохатфизо,
Бўлмагай хам кавсари, хам лаъли шаккарборича

Неча йилдир ишкида ургум садокат кўсини,
Муддаи даъво килур, лекин эмас ман зорича.

Хажр ила банд этгуси ушшоки бедил кўнглини,
Сохири Кашмир эмасдур наргиси айёрича.

Дашти хажри ичра хар дам юз балога ёрман,
Эрдиму Фарходу Мажнун Роғиби беморича?

* * *

Куйсин дилу жоним гами хажринда гавго айласа,
Ё сандин ўзга бир пари шавкини пайдо айласа.

Солмон назар дилдорлар рухсорига, эй шўхким,
Юз минг адоу жилвалар олдимда барпо айласа.

Куйинг эрур жаннат манго, э дилрабо, чиксин кўзим,
Жаннатни хури хуснини кўрмок таманно айласа.

Бокмон каду рухсорига гулчехраларнинг орази
Равшан дили абвобини хуршидосо айласа.

Нетсун нихон ўлмай Хўтан мушки жахоннинг кўзидин,
Мушкин мусалсал кокилинг сунбулни расво айласа.

Гул хирмани куймас нечук оташгахи хижлат аро,
Сарви кадинг кўргач, кадин таъзимига ё айл-аса.

Роғиб, висолингни ажаб уммид килса ушбу кун,
Бир неча кунлар, эй пари, куйингни маъво айласа.

* * *

Жонон, лаби хандонинга олам гадо, мен хам гадо,
Мушкин хати райхонинга олам гадо, мен хам гадо.

Мажлис аро май нўш этиб, соз*элда ўкурсан газал,
Бу нагмаи хуш холинга олам гадо, мен хам гадо.

Гох ноз бирла ўлтириб, сўрдинг мани холимником,
Бу нутки дурафшонинга олам гадо, мен хам гадо.

Жоми мухаббатни суниб, хам бўса эхсон айладинг,
Этган бу навъ эхсонинга олам гадо, мен хам гадо.

Кўргач жамолинг меҳрини Юсуф санго хайрон бўлиб,
Деди: сенинг жононинга олам гадо, мен хам гадо.

Бокгач гули рухсоринга, кўксимга отди бор ўкин,
Ондин манго мужгонинга олам гадо, мен хам гадо.

Куйингда кўп меҳнат чекар, Рогибни сўргил холини
Жонон, лаби хандонинга олам гадо, мен хам гадо.

* * *

Тилар хар ким жахон ичра фарогат,
Ким этгай тангри берса не каноат.

Каноат ахли кўргайму жахонда,
Гаму, кайгу, балоу дарди меҳнат.

Замона агниёси килгусидур,
Риёу, ужбу кизб ила саховат.

Хам ул зохидда йўқдур лукмаи пок,
Нечук бўлгай дуосида ижобат.

Биров бўлса жахон ичра ганирок,
Килур олимлар анго иститоат.

Булар бирла нечук хилт айлагунгдир,
Бу ёнглиг хаста кўнглим килма рагбат.

Тамаъ бозорига майл этма Рогиб,
Каноат масканида айла рохат.

* * *

Дўстлар, олам элига ошно бўлмок абас,
Хар дами юз кайгу-гамга мубтало килмок абас.

Базм атоб даврон элининг мажлиси ичра кириб,
Куш киби доми гирифтори бало бўлмок абас.

Риштаи улфат тузуб сиррингни ифшо айлабон,
Хар кеча афсона, хар мажлис аро бўлмок абас.

Сарв коматларни рафтори сори айлаб назар,
Бори гам остинда токай кадди ё бўлмок абас.

Ишк дарди чорасидин бўлгуси ожиз табиб,
Ким асири бўйла дарди бедаво бўлмок абас.

Килмойин хакдин тамъа бир-бирдин айлаб давр эли,
Йўк хаё юзда олордек бехаё бўлмок абас.

Рогибо, рози дилингни халкга ифшо килиб,
Кўхи хасрат остида кадди дуто бўлмок абас.

* * *

Эй лабинг шахди мангодур оби хайвондин лазиз,
Кадди мавзунинг эрур жисмим аро жондин лазиз.

Ноз ила, эй нозаниним, бир кеча базмимга кел,
Хаста жонима висолинг бўлди дармондин лазиз.

Зухд эли боги висолингни таманно айламас,
Бўлмаса рухсори каддинг хуру гилмондин лазиз.

Оразинг мехри жахонни равшан этгач, эй пари,
Ахли оламга эрур хуршиди рахшондин лазиз.

Фуркатинг даштидурур боги Эрамдин дилкушо,
Булбули жонимга хам бўлмиш гулистондин лазиз.

Эй пари, боги висолингдин манго килгил карам,
Ишк элига ширин эрмас хар наким ондин лазиз.

Гул юзингдин бўса истар Рогибо, килгил ато,
Чунки, йўктур бир нима алтофи эхсондин лазиз.

* * *

Кўзим конин окизгон ул кўзи хунхорлардурлар,
Чаман сахнида юрган ул юзи гулнорлардурлар.

Ўлур ишкида бешак жон берур ишк ахли жисмига,
Бўлур зохир лабидан шаккарин гуфторлардурлар.

Десанг оламга тўлмиш мушк иси ул дилраболарни,
Паришон юзларида зулфи анбарборлардурлар.

Ракиб ила ичарлар май хижолат даштида мандек,
Хазин ушшоки содик ташнаи хумморлардурлар.

Тополмай васли йўлини бўлуб хайрону саргардон,
Жахон ахли манингдек кўзлари хунхорлардурлар.

Сўрар юз хайфким комича ширин лабларин ахбоб,
Харими курбатида рўзу шаб агёрлардурлар.

Етолмай васлига ёрини олам ичра сидк ахли,
Чекар гам хажрида Рогиб киби беморлардурлар.

* * *

Олам ахли гул киби рухсорингга муштокдур,
Бог аро сарв кадди рафторингга муштокдур,

Эл думогини муаттар айлагач бўйи етиб,
Сунбули тар хатти мушкинборинга муштокдур.

Ишк эли жисмига жон топмок учун, эй дилрабо,
Рухпарвар лаъли шаккарборинга муштокдур.

Гул хавосин тарк этиб булбул чекар ўтлуг наво,
Ким, жамолинг богида гулзорингга муштокдур.

Багри коним окизур кўздин чаманнинг наргиси,
Кўрмак учун наргиси беморингга муштокдур.

Тарк этиб зухду вараъ, куйингда юрмиш зухд эли,
Жаннат ичра хурдек атворингга муштокдур.

Отгуси хар дам кўзинг ўкини Рогиб кўксига,
Шукр айларким недин озорингга муштокдур.

* * *

Агар оқил эсанг бир нозанин жонон ўлур танбур,
Муганний комил ўлса нагмага шодон ўлур танбур.

Чаман сахнида булбул инграюр гунча очилгунча, |
Болон бо даф гижжак истаён яксон ўлур танбур,

Кирар огушинга бир гулбадан маъшуки зебодек,
Санамлар бирла ишрат истасанг хандон ўлур танбур.

Демушдурлар, фаранг сози ажаб хуш хусни дилкашдур,
Макомоти навода анга минг чандон ўлур танбур.

Бўлуб анга музайян тори нохун холис олтиндек,
Шаху шахзодаларнинг базмида султон ўлур танбур.

Олар ахбоби гамгину хазин дилларга оламда,
Фарахлик еткуруб гўёки бир Лукмон ўлур танбур.

Гаму андухи бемор юзлари хар дам санга Роғиб
Агар билсанг, санинг дардингга хам дармон ўлур танбур.

* * *

Юзинг оч, бог аро гул тоза гулзорингдин айлансун,
Кадинг кил жилвагарким сарв рафторингдин айлансун.

Юриб бог ичра килгил ноз ила хар сори наззора,
Чаман нарғислари ул чашми беморингдин айлансун.

Латофат кўсин урган олам ичра Юсуфи Мисрий,
Манго олам бори айтурки, дилдорингдан айлансун.

Ўлик жисмимга топгач жон кўриб зохид манго айтур,
Ким ул кавсар суви лаъли шакарборингдан айлансун.

Гизоли Чин муаттар айлаган олам думогини,
Лаби жонбахшинг узра мушки тоторингдан айлансун.

Наво туздинг ўқиб дилкаш газални нозлар бирла,
Ким ул Довуд лахни бирла сеторингдан айлансун.

Малохат тахтида кўргач, сани ахли фаросат дер,
Жахон дилбарлари Роғиб севар ёрингдан айлансун.

* * *

Сайр этар гулистонда гул узори жононлар,
Хар бириси хусн авжи узра меҳри рахшонлар.

Гох чаманнинг сахнида нўш этиб майи рангин,
Айлабон такаллумда гунча багрини конлар.

Илгига олиб танбур, барчаси ўкиб абёт,
Кўрмамуш замон ахли бу сифат газалхонлар.

Хар бирини булбуллар гул юзининг шавкнда,
Тинмайин чекар оху нола бирла афгонлар.

Ишким этгали афзун нола бирла килдилар,
Оташин узорига сунбулин паришонлар.

Лек аросида бир шўх мен сари киё бокиб,
Олди аклу хушимни, кетди дину имонлар.

Ул нигори зебонинг оташи фирокида,
Куймайин нетар Роғиб, эй рафику ёронлар?!

* * *

Ким ошики содик эса бир лахза рохат истамас,
Гам даштида пўя уруб бир дам фарогат истамас.

Элдин мухаббат риштасин катъ айлабон чўлни кезар,
Гўёки нодон сухбатин ахли фасохат истамас.

Рухсорини айлаб хазон япрогидек хижронида,
Ўзга парирўлар била ойларга ишрат истамас.

Ишк ичра ким содик эса андухи меҳнат лашкари,
Горат килур мулки дилин лек ул иморат истамас.

Бир нонни тенгрим ато килса анго юз шукрим,
Гўё ганилар миннатин ахли каноат истамас.

Жилва килиб агёр эли базми аро хижронида,
Кумри киби истаб мани бир сарви комат истамас.

Кўрса жахон аро юзи мавзун кадини Роғибо,
Кўйида мандек зор ўлиб зухд ахли жаннат истамас.

* * *

Жахонда хеч ким мендек балога муфтало эрмас,
Хам ул ишкингда содик ошикинг, эй дилрабо, эрмас.

Кўзим жаври фирокингдин тўкар ёш ўрнига конлар,
Бу янглиг шум ракибимга ишинг жабру жафо эрмас.

Мани кўрган чоги жавру ситамлар айладинг пеша,
Мунигдек зулмни ишк ахлига килмок раво эрмас.

Уриб пўя неча йиллар кўрарман бу жахон ичра,
Нигори ишк элини сен киби ноошно эрмас.

Жахон мулкида бордир бир неча дилдор ишк ахли,
Бири сандек ситамгар, зулм пеша, бевафо эрмас.

Мани кўргач чоги тавсифини сохид килур найлай,
Жинон хури санигдек кадду юзи дилкушо эрмас.

Гамингда, эй пари, ўлдим, ўликни тиргизур эрса,
Масихо мўъжизи Рогибни дардига даъво эрмас.

* * *

Аё Лайлим, мани хажрингда зор этмак недур, билмон,
Жунун сахросида Мажнун шиор этмак недур, билмон.

Солиб фуркат ўтига, куйдириб жисми низоримни,
Неча турлук балиятга дучор этмак недур, билмон.

Ракибим бодаи васлингни нўш айлаб эрур масрур,
Ки бўлиб ташнаи доим хумор этмак недур, билмон.

Ёрутмай кўзларимниким юзинг хуршидидин, э шўх,
Мудомо зарра янглиг бекарор этмак недур, билмон.

Бу мажрухингни фуркат шоми ичра сўрмай ахволин,
Жамолинг шамъига парвонавор этмак недур, билмон.

Харобимга кадам ранжида бир тун айламай, э шўх,
Хамиша йўлинг узра интизор этмак недур, билмон.

Сулаймоним адолат бирла Рогиб холини сўрмай,
Бир ожиз мўр ёнглиг бемадор этмак недур, билмон.

* * *

Мумкин эрмас бу жахон мулкида бўлмок шодмон,
Ходисоти дахри дундин кимса бўлди шодмон.

Кимни кўрсам чарх зулмидин эрур зору хазин,
Хасрати бирла манингдек жисми бўлгон нотавон.

Шодмонлиг рахшини хар лахзае юрсам миниб,
Юз туман гам еткурур, э дўстлар, борсам каён.

Отгусидур борхо мехнат тошини бошима...
Билмадим бўлгум қачон бу чарх жавридин омон.

Кўз тутарман айлабон уммид, холимни кўриб,
Айламас ахбоблар меҳру мухаббатлар аён.

Донаи рохат сочиб, умид этарлар ким самар,
Отгусидур меҳнату андухни ахли жахон.

Хотирим бўлса паришон, йўк ажаб Рогиб киби,
Солди савдо бошима юз навъ чархи кажравон.

* * *

Фалак золини зулмидин ажаб йўк айласам афгон,
Килур жавру жафо тун-кун тўкар олам юзидин кон.

Чекиб ишк ахли меҳнат етса хар дам ёр васлига,
Чекар катлимга онинг жаври бирла ханжари хижрон.

Каю хар кимса ёрдир бу жахон айвонида хуррам,
Менингдек барча элдур водийи гурбатда саргардон.

Баногох хар киши гар нўш килса бодаи максуд,
Куяр жомига ул дам дўстлар захробаи хижрон.

Суниб гам шарбатини жоми меҳнат бирла оламга,
Килур хар дамда турлик бошига зулму ситам тугён.

Жахонни арсасида, дўстлар, ушбу фалак золин,
Жафоу жавр ила зулмидин ўлмиш барча эл нолон.

Ўзингга, Рогибо, кил фақри гурбат кулбасин маскан,
Бу водийда хаёлинг маркабини сурмагил хар ён.

РОЖИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Топмайин бир дам жахон мулкида офатдин фарог,
Кечди йиллар манга бўлмай зарра кулфатдин фарог,
Бермайин золи фалак андухи хасратдин фарог,
Охким, умр ўтди бўлмай лахза кулфатдин фарог,
Бермади давронки бу бир лахза меҳнатдин фарог.

Манга зулм этмак фалакка доимо одатдурур,
Зулмидин бошимда юз минг кайгу-гам курбатдурур,
Найлайин дарду гамим афзуни хар соатдурур,
Дер эдилар хар машаккат кейнидин роҳатдурур,
Етди шиддат гар даме топдим машаккатдин фарог.

Кимсалар андак чекиб меҳнатни роҳат топдилар,
Кўрмайин хажр офатини коми вуслат топдилар,
Водийи гурбатни кезмай барча иззат топдилар,
Хар балият ичра колгонлар фарогат топдилар,
Бир мани гамзадага йўқдур балиятдин фарог.

Жону кўнглумдур замона ахлидин озорлиг,
Ошнолар доимо айлар манга маккорлиг,
Айламай ман хастага фарёдким, гамхорлиг,
Етса аъдодин ситам, ахбоб килмас ёрлиг,
Хотирим топмас жахон ахлига улфатдин фарог.

Дахр бўстони аро бокмай гули раъно сари,
Килмайин наззора сарви наргиси шахло сари,
Солмайин кўз жилва килгач хар кади зебо сари,
Эй кўнгул, майл этма дунё бирла мофихо сари,
Истасангким топгасан ранжу укубатдин фарог.

КИТЪАЛАР

Сариг чехранг десанг хар лахза юз жаври хаводисдин,
Хароб ўлгон дилимда юз туман гам дарду пинхондур.

Берурлар келди киш деб хар дами юз минг туман кайгу,
Бузук кўнглум киби маскан манга бу кўхна вайрондур.

Хам ул атфолларким, бўлгусидурлар манга дилбанд,
Бири телпак, этук деб килмок иши оху афгондур.

Зарурий асрудур бу барча иш, холим эрур мушкул,
Кадим хам, карз хавфи остида мундок кўзим кондур.

Мушавваш хотири зорим деманг муглақдур ашъорим,
Сариг юз мунча гамдинким эмас албатта нодондур.

Манга душвору сабъ ўлмиш бу холат хисрави олам
Мурувват бирла бокса холима бу ишлар осондур.

* * *

Бордур икки кимсаким даврон аро,
Элга озору вахшат хислати.
Бири муллоу бири асру ганий,
Бўлсин иккисига хам халк лаънати.

* * *

Хуш ул мутриб муганний ахлига устод эрур комил,
Жахон мутрибларидин базму ишратда хуш илхондур.
Кўтартиб чакманин ўглига гохи айлабон кохиш,
Йўл узра айлар афъолига олам ахли хайрондур.
Мулокий кимки бўлса килгуси такрор минг йўк-йўк,
Ўзин доно тутар барча онинг олдида нодондур.

* * *

Фалон бу шахр ичида агниёлардин гани бўлгач,
Ёкор ёнтошган элни айлабон неча туман бўхтон.
Каноат айламай ўз молига элдин олар нохак,
Танини айлагай хак тонгла дўзох ўтида сўзон.

РУБОИЙЛАР

* * *

Элдин килур ул зоҳиди нодон тамаъ,
Иззатли килиб чеккисидур жон тамаъ,
Оздургали макр ила жахон ахлини,
Хар сори килиб сургуси якрон тамаъ.

* * *

Боргай бу жахондин бари эл армонлиг,
Минг йил агар айлар эса хам султонлиг.
Искандар очиб кетди жахондин кўлини,
Айлаб неча йил олам аро хоконлиг.

* * *

Ушшок эли жаннатни таманно килмас,
Гилмон ила хур сари парво килмас.
Васфини манга айламагил, эй зохид,
Акл эли бехўда тамошо килмас.

* * *

Хак ризкига килмайин каноат, эй шайх,
Килгингдурур хар сарига суръат, эй шайх.
Макбул дуонг ўлмагусиким, килдинг
Элдин килибон тамаъ ибодат, эй шайх.

* * *

Зохид киладур ул мохталъатни хавас,
Ишкида килур жонига меҳнатни хавас.
Кўйида нега мен каби хайрон юрмиш,
Гар айлар эса гулшани жаннатни хавас?